

5-Iyun, 2025-yil

**ЯНГИ ТУЗИЛИШЛИ ИККИ ҚАТЛАМЛИ ТРИКОТАЖ ТҮҚИМАЛАРИНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК ҲУСУСИЯТЛАР ТАҲЛИЛИ**

**С.М.Агзамова, Г.Х. Гуляева, М.М.Мукимов.**

*Toшкент тўқимачилик ва енгил саноат институти*

**ФИЗИКО-МЕХАНИЧЕСКИХ СВОЙСТВА НОВЫХ РАЗРАБОТАННЫХ ДВУХСЛОЙНЫХ ТРИКОТАЖНЫХ ПОЛОТЕН**

**С.М.Агзамова, Г.Х. Гуляева, М.М.Мукимов.**

*Tашкентский институт текстильной и легкой промышленности*

**METHOD OF OBTAINING TWO-LAYER KNITTED FABRICS**

**S.M.Agzamova , G.Kh.Gulyaeva, M.M.Mukimov.**

*Tashkent Institute of Textile and Light Industry*

**Агзамова Сарвиноз Мақсадовна, таянч докторант**

+998977630066, E:mail: [sarvinozagzamova7@gmail.com](mailto:sarvinozagzamova7@gmail.com)

**Гуляева Гульфия Харисовна, фалсафа фанлари доктори (PhD), доцент**

+99890 935 10 47, E:mail: [uztextile@gmail.com](mailto:uztextile@gmail.com)

**Мукимов Мирабзал Мираюбович, техника фанлари доктори, профессор**

+998998865031

**ЯНГИ АССОРТИМЕНТДАГИ ИККИ ҚАТЛАМЛИ ТРИКОТАЖ ТҮҚИМАЛАРИНИ ОЛИШ УСУЛИ**

**таянч докторант С.М.Агзамова, доц. Г.Х. Гуляева, проф. М.М.Мукимов.**

*Toшкент тўқимачилик ва енгил саноат институти*

**Аннотация:** Уибу мақолада янги трикотаж түқималари тузилиши ва уларни тўқилиш жараёни таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари бўйича яратилган янги турдаги икки қатламли трикотаж түқимасининг 3 та варианти замонавий дастур орқали бошқариладиган Long Xing 252SC русумли ясси иғнадонли машинада ишилаб чиқарилди.

**Калит сўзлар:** трикотаж, икки қатламли, технология, ассортимент, ясси иғнадонли.

**Аннотация:** В статье представлены новые структуры и способ получения двухслойного трикотажа. С целью расширения ассортимента трикотажных

5-Iyun, 2025-yil

полотен и технологических возможностей машины были разработаны 7 вариантов двухслойного трикотажного полотна. Образцы двухслойного трикотажного полотна были выработаны на современной плоскофановой машине *Long Xing 252 SC* с программным управлением.

**Ключевые слова:** трикотаж, двухслойный, технология, ассортимент, плоскофановая.


**Abstract:** The article presents new structures and a producing way of two-layer knitwear. In order to expand the range of knitted fabrics and the technological capabilities of the machine, 3 variants of two-layer knitted fabric were developed. Samples of two-layer knitted fabric were produced on a modern flat knitting machine *Long Xing 252 SC* with program control.

**Key words:** knitwear, two-layer, technology, assortment, flat knitting

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хомашёни қайта ишлаш ресурс тежамкор технологияларни такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш, ҳамда ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳозирги кунда энг долзарб масала ҳисобланади [1]. Трикотаж янги тузилишдаги ассортиментини ишлаб чиқишида биринчи навбатда Ўзбекистон иқлим шароити ва халқ эҳтиёжини ўрганиб чиқиш талаб этилади.

Трикотаж тўқималари ассортиментини кенгайтириш ва трикотаж тузилиши унинг шакл сақлаш хусусиятлари ва бошқа сифат кўрсаткичларига таъсирини тадқиқ этиш мақсадида тузилиши билан бир-биридан фарқ қиласидан иккита қатламли трикотаж тўқимасининг 3та варианти ишлаб чиқилди. Иккита қатламли трикотаж тўқимасининг намуналари LONG XING 252SC русумли ясси игнадонли машинада ишлаб чиқарилди. Иккита қатламли трикотаж тўқимасининг иккита мустақил қатламини шакллантириш учун хом ашё сифатида 20 текс x 4 чизиқли зичликка эга бўлган йигирилган пахта ипидан фойдаланилган [2-6].

### 0 вариант




1- расм. Икки қатламли трикотаж 0 (асос) вариантининг график ёзуви.

Асос намунаси сифатида 0-вариант қабул қилинди, уни олишда I – қаторда пресс ҳалқа қатори шаклланади. Иккинчи қаторда орқа игнадон игналарида глад қаторлари тўқилади.


### I - вариант

5-Iyun, 2025-yil



2-расм. Икки қатламли трикотаж тўқимаси I - вариантининг график ёзуви

I ва II - қаторда, каретканинг чапдан ўнг томонга ҳаракатланишида ҳалқа ҳосил қилиш тизими игна оралаб прессли ярим ҳалқаларни шакллантиради, бу ерда олдигнадонигналари ёпиқ ҳалқаларни, орқаигнадонигналари эсаигна оралаб прессярим ҳалқаларни ҳосил қиласди. III ва IV - ҳалқа қаторида орқаигнадонигналаридаигна оралаб ҳосилали глад қаторлари шакллантирилади, олдигнадонигналари ишчи ҳолатдан ўчирилган бўлади. V ва VI – қаторлардаигна оралаб прессли ярим ҳалқаларни шаклланади, бу ерда орқаигнадонигналари ёпиқ ҳалқаларни, олдиигнадонигналари эсаигна оралаб прессярим ҳалқаларни ҳосил қиласди. VII ва VIII-ҳалқа қаторларида, ҳалқа ҳосил қилиш тизимининг чапдан ўнг томонга ҳаракатланишида олдиигнадонигналарида,игна оралаб ҳосилали глад қаторлари шакллантирилади, орқаигнадонигналари тўқиш жараёнида иштирок этмайди, яъни улар ишчи ҳолатдан ўчирилган бўлади.




3-расм. Икки қатламли трикотаж тўқимаси II - вариантининг графикли ёзуви

II -вариант намунани олишда I-қаторда каретканинг чапдан ўнг томонга ҳаракатланишида ҳалқа ҳосил қилиш тизими прессли ҳалқаларни тўқийди, бунда олдигнадонигналари ёпиқ ҳалқаларни, орқаигнадонигналари эса прессярим ҳалқаларни ҳосил қиласди. II-қаторда эса, орқаигнадонигналарида глад қаторлари тўқилади, тугаллаш операциясини бажарувчи олдигнадон тўлиқ клинлари эса, ишчи ҳолатдан узид қўйилади. III-ҳалқа қаторларини шакллантиришда, орқаигнадон

игналари ёпиқ ҳалқаларни, олдигнадон сигналари эса пресс ярим ҳалқаларни ҳосил қиласди. IV ва V- ҳалқа қаторларида, олдиигнадон сигналарида, игна оралаб ҳалқа түқилиб, ҳосилали глад шакллантирилалди, орқаигнадон сигналари түқиш жараёнида иштирок этмайди.

### III - вариант



4-расм. Икки қатламли трикотаж түқимаси III - вариантининг графикли ёзуви

III - вариантни ишлаб чиқаришда I ва II - қаторда каретканинг чапдан ўнг томонга ҳаракатланишида ҳалқа ҳосил қилиш тизимида игна оралаб прессли ярим ҳалқалар шаклланади, бу ерда олдигнадон сигналари ёпиқ ҳалқаларни, орқаигнадон сигналари эса игна оралаб пресс ярим ҳалқаларни ҳосил қиласди. III-қаторда эса, орқаигнадон сигналарида глад қаторлари түқиласди. IV ва V - қаторда ҳалқа ҳосил қилиш тизими игна оралаб прессли ярим ҳалқаларни түқийди, бу ерда орқаигнадон сигналари ёпиқ ҳалқаларни, олдиигнадон сигналари эса игна оралаб пресс ярим ҳалқаларни ҳосил қиласди. VI ва VII-ҳалқа қаторларида, олдиигнадон сигналарида игна оралаб ҳосилали глад қаторлари шакллантирилалди, орқаигнадон сигналари түқиш жараёнида иштирок этмайди, яъни улар ишчи ҳолатдан ўчирилган бўлади. Шундай қилиб, қатламлари асос или билан пресс усулида бириттирилган икки қатламли трикотаж ишлаб чиқарилади.

Хулоса қилиб айтганда, янги тузилишли икки қатламли трикотаж түқималарининг тузилишини ўзгартириш ҳисобига, намуналарнинг қалинлигини ошиши, ҳомашё сарфини камайтиришга ва шакл сақлаш ҳусусиятининг ошишига эришилган. Яратилган икки қатламли трикотаж түқималаридан енгил ўстки трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- ПФ-71- сон 01.05.2024 Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида.
- Поспелов Е.П. Двухслойный трикотаж. - М., Легкая и пищевая промышленность, 1982 г., с. 208.

5-Iyun, 2025-yil

3. Мусаев Н. М., Каримов С. Влияние вида соединения двухслойного трикотажа на его технологические параметры. – 2019.
4. Холмұминов А., Гулбаев У., Каримов С. Properties of polypropylene yarn production //Science and Education. – 2024. – Т. 5. – №. 9. – С. 172-176.
5. Musaev N. et al. Research of pattern cotton-silk knitting fabrics //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing, 2024. – Т. 3045. – №. 1, 030079.
6. Tashpulatova, S., Mukimov, M., Musayev, N., Gulyaeva, G., & Musayeva, M. (2023, June). Device for testing the strength of fixing the plush thread in the ground stitch. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2789, No. 1). AIP Publishing.

